O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

2006-yil, 30-avgust, chorshanba, 35 (365)-son.

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

ЮРТИМИЗ АЙЁМ АРАФАСИДА

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами арафасида бир қатор иншоотлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Айниқса, пойтахтимизнинг Чиланзор туманидаги замонавий кўприк, Миллий боғдаги Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биноси, Юнусободдаги «Универсал» спорт саройи Тошкентимизнинг ҳуснига ҳусн қўшди.

Тоҳиржон АСРОРОВ олган суратлар.

«ЎЗБЕК КУРАШИ ДУНЁГА ЧИҚҚАНИДАН ҒУРУРЛАНАМАН»

Мустақилликка эришмаганимизда, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмаганида ўзбек кураши жаҳонга чиқмасди. Ота-боболаримиз азал-азалдан ўз паҳлавонлари билан фахрланиб келишган. Полвонлар доимо ҳурмат-эҳтиромда бўлишган, улар ҳалоллиги ва мардликлари билан ҳеч қачон туғилиб ўсган юртига, дўстларига хиёнат қилишмаган.

Истиқлол шарофати билан бобомерос ўзбек кураши ўз номи билан аталди, дунёвий спорт турига айланди.

Ўзбек кураши дунёга чиққанидан, курашчи бўлганимдан ғурурланаман. Мана шу туфайли элга танилдим. Бугун «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини олишга муяссар бўлдим. Бундан энг катта мусобақада ғолиб бўлган полвон каби қувондим.

Юртимиз гуллаб-яшнайверсин, пирларимиз мададкор бўлсин, халқнинг дуои олқишларини олиш барчамизга насиб этаверсин!

Шавкат ОМОНУЛЛАЕВ, Миллий кураш бўйича Ўзбекистон ва Ўрта Осиё чемпиони, Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани.

СИРДАРЁДА ТАДБИР

Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда юртимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган «Энг азиз, энг улуғ» номли аёллар форуми ўтказилди.

Анжуманни Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилшода Ҳайдарова очиб, бугунги кунда аёлларнинг турли жабҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида гапирди.

Анжуманнинг азиз меҳмони, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг ёниқ шеърлари йиғилганларнинг дилларини хушнуд қилди.

Юртимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб ижодкорлар ўртасида ўтказилган «Энг азиз, энг улуғ» кўрик-танлови ва унинг якуни ҳақида Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раҳбари Исфандиёр Латипов ахборот берди.

Холида ПАРДАБОЕВА.

* * *

ЎзМТДП Боёвут туман кенгаши раиси Ислом Абдуқодиров ва партиянинг вилоят кенгаши депутати Алижон Ёриев ташаббускорлигида юртимиздаги қадимий обидаларни зиёрат қилиш ва шу асосда Ватан тарихини теранроқ англаш мақсадида Шаҳрисабздаги Оқсарой обидасига саёҳат уюштирилди. Партиянинг 30 дан ортиқ фаоллари иштирок этган бу тадбир жуда кўнгилли ўтди.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда «Миллий тикланиш» газетаси ҳамкорликда «МУСТАҚИЛЛИК САОДАТИ — АЁЛ ТАҚДИРИДА» ВА «МУСТАҚИЛЛИК ЁШЛАР НИГОҲИДА» кўрик-танловларини эълон қилган эди. Истиқлол байрами арафасида ижодий танловлар якунланди ва унинг ғолиблари аниқланди. Қуйида ғолибларни эълон қиламиз.

«Мустақиллик саодати — аёл тақдирида» танлови бўйича **Дилором Исмадиёрова** (Сирдарё вилояти)га **«Марям опанинг бахти»** мақоласи учун, **Сарбиноз Дауекеева** (Қорақалпоғистон Республикаси)га **«Онажон»**, **«Зулфиянинг қизлари»**, **«Ўзбекистоним»**, **«Қорақалпоқ хаёли»**, **«Орол» шеърлари учун, Шокир Саломов** (Сурхондарё вилояти)га **«Зар дўппи заргари»** мақоласига олинган фотосурати учун берилди.

«Мустақиллик ёшлар нигоҳида» танлови бўйича биринчи мукофот **Садоқат Ёдгорова** (Тошкент вилояти)га **«Озод юртим»**, **«Юртимиз ёшлари»** шеърлари, мақола ва фотосуратлари учун, иккинчи мукофот **Беҳзод Фазлиддин** (Наманган вилояти)га **«Белимга бойлаган белбоғим — Ватан»** номли туркум шеърлари учун, учинчи мукофот **Абдували Ғойибназаров** (Сирдарё вилояти)га **«Озод юрт»** шеърлари учун берилди.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туман кенгаши ташаббуси билан Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишлаб «Истиқлол мушораси» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилояти Зомин туман кенгаши ташаббускорлигида «Миллий қадриятларимиз — бебаҳо бойлигимиз» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Тошкент вилояти Бекобод туман кенгаши ташаббуси билан «Бу муқаддас замин — менинг Ватаним» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош туман кенгаши ташаббуси билан маҳалла қўмиталари раислари ўртасида танлов ташкил қиилинди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилояти Чироқчи туман кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат ва ўзаро ҳамкорлик йўли» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Тумандаги «Пахтали сой» маҳалла фуқаролар йиғинида партия фаоллари иштирокида «Мустақиллик олий неъматдир» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туман кенгашида «Мустақиллик, мафкура ва сиёсат» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши «Хотин-қизлар» қаноти ташаббуси билан «Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда партия ташкилотларининг ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Андижон вилояти кенгаши ташаббуси билан «Биз ўз куч ва имкониятларимизга ишонамиз» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги барча бошланғич партия ташкилотларида «Юксак маънавиятсиз келажак йўқ» мавзуида партия фаоллари билан учрашувлар ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Нишон туман кенгаши ташаббуси билан «Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилояти Норин туман кенгаши ташаббуси билан туман халқ таълими бўлимида «Мустақиллик — улуғ неъмат» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

● Қарорни ўқиб

Мамлакатимиз Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган муайян ишларни янада яхшилаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш вазифасини олдимизга қўяди. Биз мазкур муҳим ҳаётий ҳужжат юзасидан иккита мақолани газетхонлар ҳукмига ҳавола қилаяпмиз.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ

жамият тараққиётига хизмат қилади

Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда аҳоли кенг қатламлари орасида маънавий-маърифий ишларни бугунги шароит ва талаб даражасида ташкил этиш ва олиб бориш, ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, юртдошларимизда ҳаётга, ён-атрофларида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга даҳлдорлик ҳиссини ошириш, тинч-тотув ҳаётимизни издан чиқариш мақсадидаги ҳар қандай тажовуз ва бузғунчиликларга қарши муросасиз кураш олиб бориш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Мазкур қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимларига эса ҳудудий кенгашларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилади. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилади. Қарорда янги марказ фаолиятининг асосий вазифа-йўналишлари аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Чунончи:

миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, бу ишнинг устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш;

халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш.

Қарорга биноан, Республика "Маънавият ва маърифат маркази" Республика Маънавият ва Маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғиботи марказига айлантирилади. Тарғибот марказининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш;

аҳолининг кенг қатламлари, авваламбор ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш;

бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш, юртимизга қарши қаратилган ғоявий ва информацион хуружлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, олимлар, сиёсатчи ва мутахассислар, ижодкор зиёлилар иштирокида жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул-услублар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш;

юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш вазифаси, энг аввало, ижодкор зиёлилар зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, маънавият тарғиботчилари бўлмиш зиёлиларнинг одамлар қалбига етиб борувчи таъсирчан сўзи, таҳлилий кузатувлари, огоҳликка чорлови ҳамма замонларда ҳам жамият маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Бугунги глобаллашув шароитида дунёда, ён-атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнларни, турфа хил давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнаш келиши оқибатида юз бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини очиб беришда, тажовузкор кучларнинг ғаразли ниятларини фош этишда, эл-юрт осойишталигини таъминлашда адабиёт ва санъат арболари, фан ва маданият намояндалари ҳамиша фаол бўлишлари керак. Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги арафасида мамлакатимизнинг барча вилоятларида шоир ва ёзувчилар, таниқли санъаткорлар иштирокида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, ёшлар билан суҳбатлар маънавий тарғибот иши ҳамиша диққат-эътиборимизда бўлиши лозимлигини кўрсатди. Демакки, бу иш ҳар биримизнинг виждон ишимизга, эҳтиёжимизга айланиши зарур. Фақат шундагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.

ТАЪСИРЧАН ТАЪСИР ЧОРАСИ КЎП

— Назаримда, ҳалол ва ҳаром ҳақидаги тушунчалар ҳам ўзгариб кетаётганга ўхшайди...

Ҳамсуҳбатимнинг бирмунча баҳсли туюлган бу мулоҳазасини эшитдиму у билан мунозарага киришмадим, аксинча, ўзгармайдиган тушунчалар, ўзгармайдиган қадриятлар борлигини ўйладим.

Ватанга муҳаббат ва садоқат. Бу туйғу ҳеч бир замонда ўзгармаган. Чунки Ватан она янглиғ битта бўлади! Чунки одам боласининг киндик қони бир ерга тўкилади. Азал-азалдан инсон фарзандининг инсонийлиги, чунончи, энг гўзал фазилатлари унинг она Ватанига бўлган муҳаббати ва садоқати билан белгилаб келинган. Ўтмишда энг катта жасоратлар Ватан тақдири ҳал бўлаётган дақиқаларда юз берган.

Бугун ҳам Ўзбекистон дея аталгучи Ватан ўз фуқаросини ана шундай жасоратга даъват этмоқда. Бугунги жасорат Широқ ё Спитамен жасоратларидан тубдан фарқ қилади. Давр кишиларимизни маънавий-маърифий, мафкуравий-ғоявий жасоратга ундамоқда. Бошқача айтганда, Ватан тушунчаси эмас, балки, Ватанга муҳаббат ва жасорат туйғуси ўзгармоқда, десак тўғрироқ бўлади.

(Давоми 2-бетда).

ТАЪСИРЧАН ТАЪСИР ЧОРАСИ КЎП

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кечагина Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорида ана шу жасорат белгилари, шартлари, омиллари бирма-бир санаб ўтилди:

фуқаролар қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш;

уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга;

турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга;

иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар бўлиб тарбияланишга...

Эътибор берайлик, буларнинг бари инсоннинг биринчи навбатда ички дунёсига — ботинига қаратилган. Ботинда кечадиган руҳий жараёнлар буларнинг бари.

Давлат раҳбарининг Қарорида баён этилган эзгу истаклар билан кишиларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг қалби, руҳий дунёси оралиғида қанча масофа бор? Бу масофани ким қанча муддатда босиб ўтади? Ва қайси маррани забт этади?..

Забт этилажак марра ҳам Қарорда бир қадар санаб ўтилган:

ота-она-оила-маҳалла-тарихий хотира-миллий ғурур... бу йўл комил инсонлик мартабаси томон юксалтиради ҳар бир инсонни!..

Муҳаббат, жасорат ва садоқат ташқарида эмас, улар ахлоқий, шахсий-маърифий куч-қудрат ўлароқ инсоннинг руҳида, мафкурасида, ботинида экани кўрсатиб ўтилмоқда. Бу XXI асрнинг энг устувор хусусиятларидан бири, бу аср интеллектуаллар, ШАХСлар асрига айланади, бинобарин, одамлардан шахслик пиллапояларидан тезроқ, дадилроқ, мустаҳкамроқ одимлар билан юксалишни тақозо этадиган аср! Акс ҳолда... зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружлар тўфони кишиларни исталган номаълум йўлларга чалғитиб кетиши ҳеч гап эмас. Бунинг оқибати эса янада хатарли, янада аянчли! Онгли яшаш тарзини жорий эта олмаслик, ўз фикрига эга бўлмаслик, неча минг хил маънавий тажовузлар ноғорасига осонгина ўйинга тушиб кетиш билан маънавий хиёнат ораси бир қадам, холос! У ёғига одам сўнгги қадамни ташлаганини ўзи ҳам билмай қолади.

Қарор кишиларимизни мана шундай бой беришлардан асраш йўлида энг таъсирчан воситалардан фойдаланишимиз зарурлигини яна ва яна бир карра биз зиёлиларга уқдирмоқда. Ушбу ҳужжатда «таъсир», «таъсирчан» сўзлари бежиз бир неча бора такрорланмаган, зеро, бир қаламкаш ва «Миллий тикланиш» партияси вакили сифатида шуни тан олиб айтишим лозимки, мамлакатимиздаги тарғибот-ташвиқот тизими янгича нафас, ўзгача ҳаво босими билан бойитилмоғи жуда-жуда зарур. Тарғибот-ташвиқот таъсирчанлигини оширишнинг усул-услублари кўп, албатта, фақат уларни кашф этиш, муттасил бойитиб бориш ва ишга доимо ижодий ёндошиш тарғибот-ташвиқотчидан ижодкорликни, ўз касбига садоқатни, муҳаббатли бўлишни тақозо этади. Ишни режали, самарали ташкил этиш эса жуда-жуда кўп омилларга боғлиқ. Шу маънода Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари штатлар жадвалига қўшимча равишда маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчи штати киритилгани, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилгани, Республика Маънавият тарғибот маркази вужудга келтирилаётгани, шунингдек, Маънавият ва маърифат кенгаши тизимига яқин келгусида давлат томонидан маблағ ажратила бошланиши айни муддаодир. Чунки гап «жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш» ҳақида бормоқда. Бу вазифанинг аҳамияти аҳолининг соғлиғини сақлаш, иммунитетини мустаҳкамлаш вазифасидан сира-сира оз эмас.

Қарорда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази зиммасига амалга оширилган илмий изланишлар натижаларини, таҳлилий материалларнинг хулосаларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда чоп этиш топширилгани чин маънода янгиликдир. Негаки, фуқаролар, жумладан, жамиятимизда яшаб, ижод қилаётган кўплаб мутахассислар, умуман, зиёлилар орасида тарқоқ қолиб келаётган энг нодир фикр-мулоҳазаларни саралаш, уларни матбуотда эълон қилиш ва алоҳида нашр этиш ниҳоятда савоб иш бўлур эди!

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз томонидан эълон қилинган Қарор Ватанимиз зиёлиларини қизғин ва жўшқин фаолият юритишга, ўз фаолиятларига танқидий кўз билан қарашга, умумишимизнинг самарасини янада оширишга даъват этади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.

ЯНГИ НАШРЛАР

ПАРТИЯ ҲАЁТИ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкил топганига 10 йилдан ошди. Бу тарихан қисқа давр ичида бир қанча эзгу ишлар амалга оширилди. Ушбу йиллар партия учун тикланиш, ривожланиш ва тараққий этиш даври бўлди. Партия жамиятимиз, кишиларимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин топишга, халқимиз ҳаётининг энг долзарб жабҳаларида фаоллик кўрсатишга интилди. Яқинда ўтган даврда қилинган ишларни ўзида мужассамлаштирган "Миллий тикланиш" — боқий партия" номли рисола нашр этилди. Уни ўз ўрнида партиянинг 10 йиллик сарҳисоби дейиш ҳам мумкин.

Ушбу рисола Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида сўзлаган маърузасидан олинган иқтибослардан бошланади. Унда партия ташкил топганидан буён босиб ўтилган йўл ва партия тарихига доир маълумотлар берилган. Рисоладан ЎзМТДП Марказий кенгаши ва партия фаолларининг фаолияти тўғрисидаги мухтасар солнома ҳам ўрин олган.

Шунингдек, китоб партия ҳаётини акс эттирувчи бир қанча суратлар билан бойитилган. Унда партиянинг янги рамзи ҳақида ҳам тўлиқ маълумот берилган. Китобни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъно Зарипова нашрга тайёрлаган. Рисолада келтирилган маълумотлар нафақат партия сафига кириш истагида бўлаётган кишилар, балки жамиятимиздаги сиёсий жараёнларни кузатиб бораётган кенг жамоатчилик учун ҳам қизиқарлидир.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

Истиқлол иншоотлари

«ЧИНОЗ ТЎҚИМАЧИ» — ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

Истиқлол йилларида қуриб, фойдаланишга топширилган иншоотлар қаторида замонавий усулда қурилган коллеж ва лицейлар, қўшма корхоналар алоҳида ўрин тутади. Сабаби, улар аҳолининг кенг қатламига хизмат кўрсатиш билан давлатимиз тараққиётини белгилаб беради, халқимизнинг ёрқин келажагига мустаҳкам замин яратади.

Мустақиллик йилларида бошқа чет эл давлатлари қаторида Япония, Туркия билан ҳам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Бир нечта истиқболли шартномалар имзоланди. Республикамиздаги кўпгина вилоятларда иш унуми пасайиб кетган, иқтисодий қийинчиликлар туфайли инқирозга учраётган завод ва фабрикалар ўрнини жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий қўшма корхоналар эгаллади. Ана шулар қаторида «Чиноз тўқимачи» корхонаси ҳам қад ростлади.

Чиноз шаҳрининг марказидан Янги Чиноз қўрғони томон борар экансиз, катта йўлнинг юзидаги замонавий услубда қурилган корхонани кўриб, кўзингиз қувнайди. Энг муҳими, қўшма корхона иш бошлаганидан кейин туманнинг чекка қишлоқларидаги ёшларнинг кўпчилиги иш билан таъминланди. Жамоада ишлаш истагини билдирганлар кўпая бошлади. Иш ҳажми ҳам ортди. 2004 йилда корхона маъмурияти сифатли маҳсулот ишлаб чиқаргани учун «Ўзбекенгилсаноат» тармоғида биринчилардан бўлиб жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган «IS0 9001-2000» халқаро дипломини қўлга киритди.

Корхонада ишлаш учун ёшларга замон талаблари даражасида барча шарт-шароит яратилган. Одамларни манзилига элтиб қўйиш учун махсус автобус ажратилган. Бу ердаги тартиб-интизомни кўриб, ишнинг унуми ҳам шунга яраша бўлади-да, дейсиз. Жамоадаги аҳвол билан яқиндан танишдик. Тиббий бўлим, спорт майдончасини кўрдик. Кийим алмаштириш ва ювиниш, дам олиш хоналари озода, саранжом-сариштa. Ҳар бир смена ишчилари белгиланган вақтда овқатланиш хонасига боришади. Ошхонада ҳам маълум тартиб асосида иш юритилади. Корхона ишчилари уч сменада меҳнат қилишмоқда.

— Бу ерга келганимга 5 йил бўлди,— дейди тўқув цехи устаси Фарида Мамашева.— Ушанда корхона эндигина иш бошлаганди. Мен эса мактабни тамомлагандим. Синфдошим Лиана билан маҳалламиздаги бир тикувчига шогирд тушиб, тикиш-бичишни анча ўрганиб олгандик. Корхона иш бошлагач, кадрлар бўлими бошлиғи Олим ака Исоқовга учрадик. Қабул ҳайъатининг синовларидан ўтиб, дугонам иккаламиз ишга қабул қилиндик. Аввалига дастгоҳлар билан ишлаш бироз қийинчилик туғдирди, лекин тез орада ўрганиб кетдик. Етти ойдан кейин мусобақа ўтказилди, унда қизларнинг дастгоҳларни ишлата билиш қобилияти синовдан ўтказилди. Ишим яхши баҳоланиб, цех устаси бўлдим. Ҳозир бўлимимизда 10 нафар одам бор. Ҳар бир ишчи 4 та машинани бошқаради. Уларнинг фаолиятини кузатиб бориш, меҳнат унуми бўйича вақтивақти билан ҳисобот бериб туриш менинг зиммамда. Цехлардаги бошқарув тизими компьтерлаштирилган. Маошимиз яхши, 100 минг сўмдан кам эмас. Меҳнатимизга қараб ундан ҳам юқори бўлиши мумкин.

— Дугонамнинг гаплари тўғри, ўйлаб кўрсам, ўтган беш йилда бирор марта бошқа жойга ўтиш хаёлимга келмабди. Сабаби, иш учун етарлича шароит бор, — дейди навбатдаги суҳбатдошимиз Лиана Юлдашева.— Жамоага янги келганларга ҳам яхшигина маош тўланади. Уларга касб сирлари малакали ишчилар томонидан ўргатилади. Дугонам камтарлик қилиб айтмади, тез-тез спорт мусобақалари ҳам ўтказиб турилади. Фарида икки йилдан бери бошқа корхоналар жамоалари билан ўтказилган мусобақаларда югуриш бўйича биринчи ўринни олиб келяпти. У билан фахрланамиз.

Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, ёшларнинг кўпчилиги билан суҳбатлашдик. Улар ўз ишидан мамнун. Хом ашёни қайта тозалаш бўлимидан тортиб, қайта тараш, ўрам қилиш, йигирув ва ўрув цехларигача иш бир маромда олиб бориляпти. Тайёр маҳсулотнинг сифати текширилиб, қадоқлангач, қутиларга жойланади. Юртимиз пахтазорларида етиштирилган «оқ олтин» калава ипга, газламага айланиб Европа давлатларига жўнатилади. Энг муҳими, маҳсулотлар хорижда доимо харидоргир.

— Маҳсулотларимизнинг асосий қисми — 90 фоизи Туркия, Германия, Англия сингари давлатларга экспорт қилинмоқда,— дейди корхона директори ўринбосари Анвар Бўриев. — Харидорларнинг таклифи билан шартнома асосида рангли газлама ҳам тайёрлаб берамиз. Бир кунда ўрта ҳисобда 20 тонна атрофида калава ип, трикотаж материал ишлаб чиқарилади. Ўтган йили айрим сабаблар билан иш суръатимиз бироз пасайди. Шундай бўлса-да, одамларга ўз вақтида маош берилди. Йил бошидан бу камчилигимизни тузатдик, иш унуми юқори бўляпти. Пахта хомашёси Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидан олиб келинади.

Бугун корхонада 591 нафар киши ишламоқда, уларнинг 381 нафари хотин-қизлар. Жамоа аъзоларининг ҳаммаси яхши маош олиб, кўнгилдагидек шароитда ишлашмоқда. Мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимиз ҳақида гап кетганда, мана шундай қўшма корхоналар фаолиятини ҳам юқори баҳолагимиз келади. Ахир, истиқлол мевасидан халқимиз бахраманд бўлмоқда, ёшларимиз иш билан таъминланмоқда, юртимиз иқтисодиёти мустаҳкамланиб бормоқда.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

ФИДОЙИЛАР САФИ КЕНГАЙСИН

Ҳар бир партиянинг мақсад ва режалари амалга оширилишида вилоят ва туман кенгашларидаги иш жараёни муҳим ўрин тутади. Кўп минг сонли партиядошларимизнинг аксарияти вилоятларда истиқомат қилишади. Партиямизнинг ҳар бир аъзоси олиб борилаётган ишларимиз тўғрисида ўз нуқтаи назари билан фикр билдиради, ютуқ ва камчиликлар тўғрисида ўзининг таклиф ва мулоҳазалари бор, албатта. ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши аъзоси Фичирят Қулиев билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Партия сафига кириб келганингиздаги дастлабки таассуротларингиз ва бугунги ўй-хаёлларингизни биз билан ўртоқлашсангиз.

— 2001 йилда ЎзМТДПга аъзо бўлганман. Ўтган давр ичида кўп нарсани англадим, бошқалар қаторида ўзим учун ҳам аниқ мақсадлар йўлини белгилаб олдим. Қишлоқларда кўп бўлганмиз, шундай пайтда юртимизнинг беғубор далаларида меҳнат қилаётган, Ватаним деб ёниб яшаётган одамлар билан юзма-юз бўламиз. Бир нарсадан қувонаман, улар ўз ишини сидқидилдан адо этиш билан бирга юрт тақдири, партия ишига, халқ, миллат маънавиятига бефарқ эмаслар. Зиёлилар партиясига аъзо бўлишим кўпгина руҳий имкониятлар берди менга. Халқ орасига кириб боришга интиламан, одамларнинг фикрлари турли-туман. Улардан керагича хулоса чиқариб оламан. Учрашув ва мулоқотлар, ўтказилаётган тадбирларнинг шу жиҳатдан фойдаси кўп. Партия аъзоси сифатида ҳали халқимиз биздан кутаётган даражада тезкорлик билан меҳнат қила олмаётганлигимдан қийналаман. Орзуларим кўп, улар халқимизнинг фаровон турмуши, юртимиз ободлигига хизмат қилишини истайман.

— Бугуннинг ёшлари ҳақида қандай фикрдасиз?

— Бугуннинг ёшлари шиддаткор, миллатимиз қадри, шаънини юксак даражага кўтара оладиган куч бор уларда. Партиямиз сафидаги ёшларнинг фикр-мулоҳазаларида, интилишларида юртимиз истиқболи учун қайғуриш кучлилигини кўраман. Миллий ўзлигини таниш орқали уларнинг тафаккурлари ўсиб бораётганидан қувонаман. Ёшларимизнинг шижоатини кўриб, улар қатори янгиликларга интилгим, бор куч-ғайратимни сарфлаб ишлагим келади, уларнинг мақсад сари собиткадамлик билан ҳаракат қилишларидан руҳан қувват оламан.

Партия ҳаёти

— Сизнингча, депутатлар — партиямиздан вилоят ва туман кенгашларига сайланган вакилларимиз қандай ташаббус кўрсатишмоқда?

— ЎзМТДП аъзоларидан 6 нафари халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутатлигига сайланган. Улар зиммаларидаги вазифанинг масъулиятини ҳис қилиб иш юритмоқдалар. 23 — «Гулбаҳор» сайлов округидан сайланган Абдуллажон Турдиқулов элимиз дарғаларидан. Бутун умрини чўлни ўзлаштиришга, давлат ва жамоат ишларига бағишлаган бу инсоннинг халқ орасида обрўи бор. Оқсоқол нафақат ўз сайловчиларининг, балки бутун вилоят аҳолисининг оғирини енгил қилишни ўйлаб яшайди, улар бошлаган ташаббусларни қўллаб-қувватлайди, ўзининг қимматли маслаҳатлари билан барчага бош-қош бўлади. Энг ёш депутатимиз Ҳасан Шерматов 4 — «Навбаҳор» сайлов округидан сайланган. У ўз ваколатидаги вазифаларни сидқидилдан адо этмоқда. Ҳудуддаги аҳолининг муаммоларини ўзининг ташвишидай қабул қилади. Коммунал соҳадаги камчиликларни ҳал қилиб берди. Ичимлик суви, газ, йўл қурилиши борасида уларни ташвишга соладиган қийинчилик йўқ. У маҳалла фақаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ишлаб катта тажриба орттирмоқда. 40 — «Пахтазор» сайлов округидан сайланган депутат Алижон Ёриев ҳам халқ дарди билан яшамоқда. 1 — «Маданият» сайлов округидан сайланган депутат Баҳром Сафаров эса маҳалладошларининг сардори. Яқинда унинг ташаббуси билан маҳалла ҳудудидаги ариқчалар ҳашар йўли билан тозаланди, бетон ариқчалар янгиланди. Депутатнинг эл орасидаги иши ўзи яшаётган ҳудуддаги одамларнинг оғирини енгил қилишдан бошланади, назаримда. Энг муҳими, депутатларимиз партиямизнинг ғоя ва мақсадларини халқ орасида фаоллик билан тарғиб қилмоқдалар.

— «Аёллар қаноти» ишини янада жонлантириш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Иш кўламини кенгайтириш, таъсирчанлигини оширишда қандай йўлларни энг самарали дея оласиз?

— «Аёллар қаноти» ишини янада жонлантириш юзасидан маҳаллаларда, хотин-қизларимиз ишлайдиган корхона ва муассасаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Халқимизнинг атоқли шоир ва ёзувчилари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзам, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Шарифа Салимова билан учрашувлар ўтказилди. Мустақиллик байрамининг 15 йиллиги арафасида вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда аёллар форуми ҳам ўтказилди. Унда партия сафидаги энг фаол аёллар тақдирланди. Иш кўламини кенгайтириш, таъсирчанликни оширишнинг энг самарали йўли — инсонлар билан юрақдан суҳбатлашиш, уларга меҳр бериш. Дунёда инсон меҳр-муҳаббатидан бошқа ҳамма нарсага тўйиш мумкин. Шоҳ ҳам, гадо ҳам, кекса-ю ёш ҳам меҳру муҳаббатга ташна. Бошланғич бўғинларимизда ишни ана шу нарсага амал қилган ҳолда ташкил этаётирмиз. Бунинг самараси ўлароқ партиямиз сафлари маънавиятга, баркамолликка интилувчи ҳамюртларимиз билан кенгайиб бормоқда.

— Миллий тикланишчиларга тилакларингиз.

— Партиямиз вилоят кенгашига Маматқул Бозорбоев раҳбарлик қилиб келмоқда. У жамоат ишларига куюнчаклик билан ёндошади, ҳар бир ишнинг уддасидан чиқади, тиниб-тинчимайди. Мустақиллик байрами арафасида партиямиз сафида ана шундай фидойи кишилар кўпайишини ният қилиб, барча партиядошларимизни истиқлолнинг 15 йиллиги билан қутлайман. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Насиба ОЧИЛОВА суҳбатлашди.

Замондошларимиз

Юртимизда ижод қилиб келаётган мусаввирларимизнинг кекса авлод вакиллари жуда оз, бармоқ билан санарли қолган. Улар «устоз» номи билан шарафланади. Ана шундай устозлардан бири Малик Набиевдир. Малик ака ижоди тасвирий санъатдаги бепоёнликни, табиийликни ранглар нафосатида жамлаш, уни чизиқлар қолипига сингдиргани билан томошабин эътиборини ўзига жалб қилади.

БИР АСАР ТАРИХИ

Малик Набиев ёшлигидан портрет жанрига қизиқди. Устозлари Акрам Тошкенбоев ва Баҳром Ҳамдамийнинг: «Сен ўзбек рассоми, ўзбекларни тасвирла», деган ўгитларига амал қилиб, инсон ҳаётини рўй-рост тасвирлашга ҳаракат қилди. Ва бу уринишларнинг натижасида ўзбек йигитининг бор жўшқинлиги, ўй-хаёллари акс этган мусаввирнинг биринчи портрети ўттизинчи йилларда очилган республика кўргазмасида намойиш этилиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Муваффақиятдан руҳланган ижодкор ўз меҳнати, орзу-хаёллари билан яшаётган содда ва беғубор инсонлар образини яратиб, қаламини чарҳлаганидан кейингина мўйқалам орқали буюк инсонлар сиймосини яратишга бел бойлади. Биринчи бўлиб Абу Райҳон Беруний сиймоси рассом кўнглига ўт солди ва мусаввир Берунийнинг мукаммал портретини яратиш учун умрининг 32 йилини бахш этди.

Малик ака Беруний яшаган даврни ўрганиш учун бир неча йиллаб кутубхоналарга қатнади, араб ва рус тилларидаги тарихий китобларни кўздан кечирди. Аллома туғилиб ўсган Амударёнинг қирғоғида жойлашган собиқ Берун қўрғони (Хоразм вилояти), ҳозирги Қорақалпоғистон Республикасининг олим номи билан юритилувчи Беруний тумани ва у яшаб, ижод этган қадим Самарқандга ўнлаб сафарлар уюштирди.

Халқимизда «Кўп кўрган кўп билади» деган нақл бор. Малик Набиев 33 мамлакатда бўлди. Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия ва бошқа хорижий сафарлар чоғида ноёб китоблардан Берунийнинг пешонаси кенг, ажинли, кўзининг остки қисми салқиган, ўтириб ёзган пайтида тиззасига тахтакач қўйганлигидан тизза букилиши ва ҳоказоларни билиб олди...

Малик аканинг «Беруний» портрети жигаррангга (шафақ тус) мойил бўёқларда акс этганлиги, қиёфа, кийим-кечаклар, атроф-муҳит тасвирига алоҳида эътибор берилиши ҳам тарихий муҳитни кўрсатиб берган. Рассом алломанинг бутун салобатини, нуфузини кенгайтириб, ён-атрофида илм-фанга боғлиқ китоб ва бошқа буюмларни акс эттириш билан Берунийнинг қомусий аллома эканлигини очиб бера олган. Берунийнинг нигоҳлари узоқ-узоқларга қаратилган, ботиний куч-қувватга тўлган ҳолда ижод билан машғул. Кийими Шарқ алломаларига хос уч қават. Ички оқ кўйлак, ёқасиз камзул ва унинг устидан енги тирсаккача тушадиган узун тўн. Деворлари нақш билан зийнатланган хонанинг ўнг четидаги курсида олимнинг асарларидан намуналар ва асбоб-ускуналар кўринади. 1973 йилда Абу Райҳон Берунийнинг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган катта танловда қирққа яқин маҳаллий ва хорижий рассомлар ўртасида Малик Набиевнинг асари ғолиб деб топилди. Бу асар ЮНЕСКО томонидан чиқариладиган «Курьер» журналининг 1974 йил июль сони муқовасида дунё халқлари қўлига бориб етди.

Малик акадан асарнинг яратилиши ҳақида сўраганимизда шундай жавоб олдик: «Берунийга эришиш тоғ қадар бўлиб, у тоғнинг тошлари тиғдай ўткиру сўқмоқлари ўнқир-чўнқир эди. Бу нотекис узоқ йўлда юз турли азият бўлиб, чўққига чиқишим ғоятда мушкул кечди. Чўлпон таъбири билан айтсам: «қулган бошқалардир, йиғлаган менман». Бу йўлнинг ҳар бекатида турфа ранж-машаққат, азоб-уқубат тортган, шомни тонгга улаган бўлсам-да, охир-оқибат хазина топгандек баҳра олдим...»

Назаримда, Малик Набиевнинг бутун бир тарихий ўтмиш давр руҳиятини мўйқалам орқали бир портретда очиб бериши ўзбек мусаввирининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси чексизлигини кўрсатади.

Тўхтасин ҒАНИЕВ.

31 август — Қатағон қурбонларини ёдга олиш куни

АБДУВОҲИД ҚОРИ ҚИСМАТИ

Абдувоҳид қори Абдурауф Қориев 1858 йили Тошкентда машҳур диний уламолар оиласида таваллуд топади. Аввал оилада, сўнг шаҳарнинг эски диний мактабларида таълим олади. Кейинчалик Тошкент ва Бухоронинг олий мадрасаларида таҳсил кўриб, араб ва форс тилларини, ислом тарихи ва таълимотини пухта эгаллайди, шунингдек, Туркистоннинг уйғониш даврларида, айниқса, 1905 йилги рус инқилоби таъсирида замонавий билимларни, рус тилини ҳам ўргана бошлайди.

1906 йилда Туркистондан Россия давлат думасига аъзо қилиб сайланган Абдувоҳид қори ўша йили Петербургда ўтказилган Бутун Россия мусулмонларининг съездида қатнашиб, Волгабўйи, Қрим, Кавказ мусулмонларининг вакиллари билан мулоқотда бўлади. Тошкентга қайтгач, 1908 йилда Николай ҳукуматининг Туркистондаги сиёсатига қарши руҳда чиқишлар қилган деган айб билан беш йил қамоқ-сургунга ҳукм қилинади. 1912 йилгача Россиянинг Тула шаҳрида сургунда бўлиб, у ердаги халқларнинг урф-одати, турмуш шароитларини ўрганади, ислом дини билан ниҳоятда қизиққан машҳур рус адиби Лев Толстой билан учрашади.

Сургундан сўнг Туркистондаги муваққат ҳукумат ва болшевиклар ҳокимиятининг дастлабки даврларида Туркистонда янги тузилган «Шўройи исломия», «Шўройи уламо» жамиятларига раҳбарлик қилади. 1917 йилги октябрь тўнтаришидан кейин тузилган Туркистон автоном совет жумҳуриятида ҳукумат ишларига жалб этилади, 1918-20 йилларда республикадаги диний бошқарманинг раиси лавозимига тайинланади. Ислом дини эътиқодларининг чуқур билимдони сифатида 1920 йилларда Хоразм ва Бухорода бўлиб ўтган инқилобларда ҳам тарғибот ва ташвиқотларда иштирок эттириб, шу йўллар билан бу зиёли инсондан ҳукумат ўз сиёсий манфаатлари йўлида усталик билан фойдаланади. Кейинчалик уни диний суд қоидаларини яхши билгани учун 1921-1922 йилларда Туркистон Республикаси Олий суди коллегия аъзоси сифатида ҳам ишлатишади. Шундан кейин 1927 йилгача шаҳардаги «Маҳкамайи шария» идорасида ва турли мачитларда имом-хатиб вазифаларида ишлайди. 1933 йилда Абдувоҳид қори яна қандайдир сиёсий шубҳа остида Қозоғистонда ҳибсга олиниб, беш ярим ой қамоқда ўтиради. Жазо муддатини ўтаб бўлгач, Тошкентга қайтиб, Ширин қудуқ маҳалласидаги бир мачитда имом-хатиб бўлиб ишлаб юради.

Орадан бирмунча вақт ўтгандан сўнг унинг фақирона ва ғарибона ҳаёти ҳам кимларгадир ёқмай қолади. Ва у 1937 йил август бошларида қарийб 80 ёшларга яқинлашиб, мункайиб қолган бўлишига қарамай, тўсатдан яна қамоққа олиниб, уйида тинтув ўтказилади. 1937 йил 9 августда ўша йиллари Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари бўлиб ишлаган Леоновнинг имзоси билан уни ҳибсга олиш ҳақидаги қарор чиқарилади.

Терговдаги оғир руҳий ва жисмоний қийноқлар устига Абдувоҳид қорининг қамоқдаги икки ўғли — шоир Боис Қориев (Олтой) ва Ўзбекистон санъат ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Босит Қориевларнинг ғам-ташвишлари кекса отанинг аҳволини янада оғирлаштиради. Бунинг оқибатида у 1938 йилнинг бошларида қамоқхонада вафот этади.

Бироқ Абдувоҳид қори Абдурауф Қориевнинг вафотидан кейин ҳам унинг советларга қарши бўлган контрреволюцион миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганлигини исботлаш учун қўшимча гувоҳларни чақириб, тергов қилиш давом этади. Шу билан бирга, Абдурауф қори билан бирга ишлаган, у билан алоқада бўлган бошқа кўплаб уламолар ҳам миллатчилик ташкилотининг аъзолари сифатида айбланиб, сургун қилинади.

Ниҳоят, Сталин вафотидан сўнг бир неча йил ўтгач, 1957 йил 30 мартда Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг тергов ишлари бўйича назорат бўлими 1937-38 йилларда Абдувоҳид қори Абдурауф Қориев ва у билан бир даврда сиёсий қатли омга учраган бегуноҳ дин арбобларининг ишини қайта кўриб чиқиб, уларнинг барчасини тамомила оқлаш ҳақида ажрим чиқаради. Боис ва Босит Қориев ҳам оқланади. Ҳақиқат қарор топади. Бироқ... увол кетган умрлар-чи? Абдувоҳид қори қамоқхонадаги тергов қийноқларида ўлди. Шоир Олтой 25 йилдан сўнг оғир хасталик билан қамоқдан қайтди. Босит Қориев 1938 йилда отиб ташланди.

То истиқлолгача қатағон йиллари тарихимизнинг очиш мумкин бўлмаган саҳифалари эди. Юртимиз мустақилликка эришгач, 1930-50 йилларда бегуноҳ қатағонга учраган Абдувоҳид қори Абдурауф Қориев каби миллатимиз зиёли фарзандларининг советларнинг адолатсиз сиёсати остида чеккан азиятлари, аччиқ қисматлари қайта ўрганилиб, ёш авлодга етказилмоқда. Чунки уларнинг тарихи, тақдирини билиш ёшларимизни истиқлол қадрини чуқур англашга ўргатади.

Шерали ТУРДИЕВ.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилоят бошқармаси

NBU

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги — **Энг улуғ, энг азиз** байрамимиз муносабати билан юртдошларимиз, хорижий ҳамкорларимиз ва банкимиз мижозларини самимий қутлайди.*

Барчага сиҳат-саломатлик, улкан зафарлар тилайди. Мустақиллик тенгдоши бўлган банкимиз мижозларга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатаётганлигидан фахрланади.

Юртимиз Мустақиллиги абадий бўлсин!

● *Назм*

ОМОН БЎЛ, ОНА ЮРТ, ОНА ИСТИҚЛОЛ!

Энг олий мақсадим — халқимнинг омонлиги.

И. КАРИМОВ.

Ватан бу — юракнинг тубидаги гул,
У жоннинг ўзига томирлар отган.
Сут каби кўпириб, қуйилган тонгни
Арча учидаги Ҳулкар уйғотган.

Гиёҳлар кўзларин ишқаб уйғонар,
Гулкоса ичинда капалак хушҳол.
Биз сени гул каби юракка босиб,
Асрамоғимиз шарт, улуғ Истиқлол!

Ўн беш йил! Асрлар узоқ умрида
Гўёки анорнинг ўн беш донаси.
Лек сен босиб ўтган қутлуғ йўлларинг
Заминдан то Қуёш қадар ораси...

Кимдир ҳамон нафсин ўйлаб кун кўрар,
Занжирин соғиниб, суради хаёл.
Эй, қуёш юзлигим, чечакли боғим,
Қулларга бермайман сени Истиқлол!

Кимдир юртдан узоқ, жигар-бағри қон,
Ватан соғинчлари ўртар жонини.
У кўзига суртар, топган-тутгани:
Бир ҳовуч тупроқни — хонумонини!

Оқарган сочларин шамол тўзғитар,
Жон-жонини ўртаб ҳижрон кулади.
У бир зум болага айланиб қолар:
Болалиги сен-ла ўйнаб юради.

Кўздан оққан ёши тупроққа томар,
Жийда гулин иси урар димоққа!
У маҳзун пичирлаб, дуолар қилар:
Ҳеч кимса тушмасин юртдан йироққа!

Қошғар тупроғида йиғлайди Фурқат,
Шеърида ҳижронлар сўзлаб ётади.
Бир ҳовуч тупроқнинг армонида у
То қиёмат қадар бўзлаб ётади.

Ватан! Тупроғингга бошимни қўйдим,
Сен — армон, сен — ҳижрон, ўтли оҳимсан!
Боламни оқ ювиб, оппоқ тараган,
Улуғ меҳроб — танҳо саждагоҳимсан!

Сен берган неъматинг, нон ила тузинг,
Асрий қурурларинг сутдайин ҳалол!
Сенга кўз тегмасин, жонимда асрай,
Боболар армони — улуғ Истиқлол!

Сен келдинг! Ғанимлар питраб қолдилар,
Товондан бошигача игна югурди.
Улар билдиларки, ҳалол бойлигинг
Яна ўзлигингга, сенга буюрди.

Яна ғўдакларинг чеҳрасида нур,
Яна оналарнинг қўли дуода.
Дунё дарвозаси бизларга интиқ,
Муқаддас байроғинг порлар самода.

Улар талвасада: игна югурар,
Боши-ю товони ва жони томон.
Қайлардадир ўқлар тинмай отилар,
Ўқ ичра инграйди қай кўҳна макон.

Истиқлол! Мен сенинг битта заррангман,
Зулмат водийсидан кечган кўп йўлим!
Бугун сен ғўдагим умрини тилаб,
Заминдан аршгача узаяр қўлим!

Оналар дуоси ижобат бўлғай,
Ғаним ўз ёғига қовурилар ўзи!
То дунё тургунча сутдек оқ бўлсин,
Оққўнгил ўзбекнинг юзи-ю, сўзи!

Сиз, эй дўсти азиз, субҳидам туриб,
Шукр қилдингизми тиниқ тонгларга!
Тўймай боқдингизми кўз ёндирувчи,
Гуллар илингувчи гўзал рангларга.

Сизга ҳовуч-ҳовуч зилол узатган
Сувга айтдингизми ўз сўзингизни?
Порлаб турганн-чун лоақал бир бор,
Эркалаб қўйдингизми ўз кўзингизни?

Шундай. Ҳар бир нарса шукр сўрайди,
Шундай. Ҳар бир нарса лутф сўрар ҳалол!
Сенга етказган-чун Парвардигорга
Минг бора шукрлар қилгум, Истиқлол!

Замину осмоним тинчлиги учун,
Ғўдак кўзидаги ширин хоб учун.
Шеърлар ёзгин, дея мени қўймаган
Кўнглимдаги гўзал изтироб учун!

Тўқсонлардан ошиб, топгани сабр,
Ва шукр айлаган оналар учун!
Етти ёшларида дунё уйида
Тенгма-тенг югурган болалар учун!

Гулкоса ичида беҳадик ухлаб,
Субҳидам уйғонган капалак учун.
Менинг юрагимдан сизга талпинган,
Қадр деган гўзал камалак учун,

Дину илмимизни юракка солиб
Кўзимга ёш берган тиловат учун.
Топталган тарихни азот кўтарган,
Истиқлол аталган саодат учун !

Шукрлар қиламан қаддим тутиб тик,
Кўксимда ўзбекнинг беку хонлиги:
Омон бўл, она юрт, она истиқлол,
Энг олий мақсад бу — юрт омонлиги!

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира.

Ширин муомала инсонийлик белгиси, дейдилар. Ўрнида айтилган бир оғиз ёқимли сўз билан бемор кўнгилга бир дунё далда бериш мумкин. Шунга кўра айтадиган бўлсак, шифокорнинг хушмуомала бўлганига нима етсин! Пойтахтимиздаги Машинасозлар тиббий санитария қисми гинекологи Шаҳзода Баҳодированинг қабулидан беморлар узилмаслиги сабабларидан бири ҳам шундан бўлса керак, десак, адашмаган бўламиз.

Ширин сўз опа

Шаҳзода Баҳодирова болалигидан шифокорлик касбига меҳр қўйди. Бунда унинг оиласидаги муҳит ҳам катта аҳамият касб этди. Баҳодировлар чин маънодаги шифокорлар сулоласи. Шаҳзода опанинг деярли барча оила аъзолари шу касб эгалари ҳисобланади. Бу эса Ш.Баҳодированинг таъбири билан айтганда, катта имконият. "Соҳамиз мураккаб. Шундай бўлгач, қийинчиликлар бўлиши ҳам табиий. Ўқиш даврида ҳам, баъзан иш давомида учрайдиган муаммоларни қийналмай ҳал қилишимда ҳам оиламиздаги муҳит катта аҳамият касб этган. Ҳозир ҳам айрим масалаларни ота-онам, синглим билан бамаслаҳат ҳал қиламиз. Билмаганимни сўраб ўрганаман. Бу эса менга катта умид ва ишонч бағишлайди", — дейди у киши.

Шаҳзода опа деярли беморлардан бўшамайди. Ҳатто уни уйига ҳам излаб боришади. Шунинг учунми уйида ҳам бир хонани беморлар учун тайёрлаб қўйган. Аммо опа учун беморларнинг уйига ташрифи малоллик туғдирмайди. Барчага бирдек ширин гапиради, яхши сўз билан кутиб олади. Буни аёлларнинг юз-кўзларидаги миннатдорчилик ифодаларидан ҳам англаш мумкин. "Шаҳзода опанинг қабулига кирсам, дарров дардларимни унутаман. Дори-дармон, муолажалар ўз йўлига. Аввало, бу шифокорнинг ширин сўзи дардга малҳам бўлади. Ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, хотин-қизларнинг барчаси Шаҳзода опадан хурсанд", — дейди Манзура Шамсиева.

"Биласизми, ҳомиладор аёлни икки йўл ўртасида туради дейишади. Уларни авайлаш керак. Бемор фақат дори-дармон билан даволанади, деб ўйламаслик керак. Аввало, улар юрагида умид уйғотиш керак. Ҳомиладорлик даврида аёллар ўта таъсирчан бўлишади. Улар билан муомалада биринчи навбатда шуни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Кўпинча даволаниш учун келадиган ёш келинларда умидсизлик ҳолати кузатилади. Бунда атрофдаги гап-сўзларнинг таъсири катта бўлади. Уларни даволашдан олдин кўнгилларида ишонч уйғотишни биринчи вазифам, деб биламан. Қабулимда бўлган, даволанишга келган беморларим чақалоқлари билан келиб, миннатдорчилик билдириб кетишади. Аёл учун оналик бахти қанчалар қувонч бахш этишига ҳар гал гувоҳ бўлганимда ўз ишимдан янада қувонаман, кўнглим тўлади". Бу — Шаҳзода опанинг юрак сўзлари.

2006 ЙИЛ — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Шаҳзода Баҳодированинг ҳузурига даво истаб келганлардан ташқари, маслаҳат сўраб келадиганлар ҳам талайгина. Бу ҳақда у кишининг ўзи шундай дейди: "Кейинги пайтларда аёлларимизнинг тиббий маданияти анча ўсди. Бу ўтказиладиган суҳбатларимизда ҳам сезилади. Бундан фақат қувониш керак, албатта. Қизлар ҳам маслаҳат сўраб кўп мурожаат қилишади. Аввалари, нима сабабдандир, қизлар гинеколог қабулига боришдан андиша қилишарди. Оналаримизнинг тушунчалари ҳам шундай эди. Андиша бўлгани яхши, лекин ўз ўрнида бўлса, албатта. Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Қизларимиз, оналаримиз, ўз ўрнида қайнонажонларимиз ҳам буни тўғри тушунишлари лозим".

Шаҳзода опа ўз ишини чин дилдан яхши кўради, ўқийди, ўрганади, изланади. Тиббиёт соҳасига оид, бадиий китоблар бўш вақтларидаги энг яхши ҳамроҳи. Янги маълумотлардан хабардор бўлиб туриш учун интернет билан ишлашни канда қилмайди.

Инсоннинг оиласидан кўнгли тўқ бўлса, ишида унум бўлади. Шу маънода айтадиган бўлсак, Шаҳзода опа ўз хонадонида суюкли келин, ширин сўз рафиқа, уч қизнинг меҳрибон онаси. Ҳар бир она каби фарзандларидан умиди катта: "Қизларимнинг ҳам шифокор бўлишини истайман. Инсонларга яхшилик қилиб, элнинг дуосини олиб юришсин, дейман".

Бу яхши ниятлар Шаҳзода опага ҳамиша йўлдош бўлишини чин дилдан истадим. Зеро, опа каби эл дарди билан яшайдиган, атрофидагиларнинг бахтидан қувона оладиган инсонларни ҳамиша яхши кишиларнинг дуоси қўллайди.

Зумрад ВАҲОБОВА.



Неъматларин тутар ёз — бол томадур боғлардан,
Ишкомларда олтиндай товланадур узумлар.

Тоҳиржон АСРОРОВ олган сурат.

● **Ўқинг, қизиқ!**

Ғаройиб воқеа

...1912 йилнинг ёзи. Лондондан Глазгога поездлар узлуксиз қатнаб турибди. Купенинг бирида Скотланд Ярд инспектори ва ёш ҳамшира келишарди. Кутилмаганда дераза томондаги ўриндиқда ўтирган ўрта ёшлардаги эркак кишининг бақирган овози эшитилди. Унинг узун сочлари ўрилган, оёғида учи қайрилган эски ботинка, бошида учбурчакли қалпоқ. Бир қўлида қамчи, иккинчисида эса ҳали еб тамом қилинмаган бўлка нон бор эди. Ҳамшира ва инспектор нима қилишларини билмай, довдираб қолишди.

Улар номаълум кишига таскин беришга уринишди. Ундан «Кимсиз? Қаердан келдингиз?» деб сўрашганида, у хўнграб йиғлаб юборди. Исми Пим Дрейк эканини, қаердан келаётганини билмаслигини айтди. Инспектор уни овутишга уриниб, деразани очди ва ташқарига қараб ўтиришни илтимос қилди. Бу таклиф уни баттар чўчитиб юборди шекилли, у жон-жаҳди билан деразадан сакраб тушишга талпинди. Инспектор унинг ҳаёти хавф остида қолганини кўриб, қутқариш учун вагон назоратчисини чақиргани югурди. Қайтиб келганида номаълум кишининг ўрнида учбурчак қалпоғи билан қамчини кўриб, ҳангу-манг бўлиб қолди. Ҳамшира эса ҳушсиз ётарди.

Инспектор билан назоратчи номаълум эркакни топишолмади. Кейинчалик бош кийим билан қамчининг XVIII асрнинг иккинчи ярмига тааллуқли экани аён бўлди. Маҳаллий ерлик диний хизматчилар архивдан бундан 150 йил аввал ўлганлар ҳақидаги ҳужжатларни топишди. Унда марҳумларнинг исмларигина эмас, кекса Дрейкнинг ақл бовар қилмас саргузаштлари ҳақида ҳам ёзилган экан.

Кунлардан бир кун у кечаси уйи томон келаётиб, даҳшатли улкан маҳлуққа рўпара бўлиб қолади. Бир маҳал Дрейк тасаввур қилиб бўлмайдиган, аждарходай учқун аралаш ўт сочиб турган баҳайбат сирли маҳлуқнинг оғзига тушиб қолади. Маҳлуқ ичидаги одамлар турли кийим-кечаклар кийиб олишганди. Қўрқиб кетган Дрейк Яратгандан қутқаришни илтижо қилади. Шундан сўнг Дрейк эс-ҳушини йўқотиб, доимо ўша қўрқинчли маҳлуқ ҳақида сўзлайдиган бўлиб қолади. Бироқ унга ҳеч ким ишонмайди.

Унинг учбурчак қалпоғи ҳозирга қадар маҳаллий музейда сақланмоқда. Яқинда олимлар билан биргаликда «Эйнштейн назариясига асосан инсон руҳи ўтмишдан келажакка ҳамда аксинча кезаверади. Бу хулоса физика қонунларига зид келмайди», деган хулосага келди.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.

Г.В. Плеханов номли Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси



Барча юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги байрами билан самимий табриклайди. Ҳаммага сиҳат-саломатлик, хуш кайфият ва орзу-ниятлари амалга ошишини тилайди.

Филиалимиз жамоаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида Ватанимизга етук, малакали мутахассисларни етказиб бераётганлигидан фахрланади. Улар юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширишга хизмат қилади деб ишонади.

Азиз ватандошларимиз, истиқлол байрамингиз муборак бўлсин!

ДОНОЛАР ВАТАН ВА ТИНЧЛИК ҲАҚИДА

Ўз юртингда халқ ичида
хизматда бўл,
Ҳушёр бўл, ўсал бўлма, сезгир бўл.
Юсуф Хос Ҳожиб

* * *

Беватан бўлсанг тиконнинг ўзисан.

* * *

Мусофирлар учун шамъдаги шафақ,
Ватаннинг субҳидамдаги гулидир.
Шавкат Бухорий

* * *

Ҳуллас бўлиб мулку ватандин жудо,
Солдим ўзум ғурбати шиддат аро.
Нишотий

* * *

Фиғонким гардиши даврон
айирди ўз диёримдин,
Ғамим кўп, эй кўнгул,
сен бехабарсан оху зоримдин.
Фурқат

* * *

Юртинг вайрон бўлса
зулминг жатига,
Бошқа мулк деб, минма сафар отига.

* * *

Ким тортса адоват қиличини қиндан,
Адоват тиғидан булади ҳалок.
Абдураҳмон Жомий.

* * *

Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир. Одамлар инсоният туркумига кирганликлари учун ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим.
Абу Наср Форобий

* * *

Қонни қон билан ювиб бўлмайди.
Маҳмуд Қошғарий.

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «ҒАЛЛАБАНК»

Мустақил юртимиз фуқароларини мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги билан муборакбод этади ва «TUHFA» деб номланган қисқа муддатли омонат турларидан фойдаланишни таклиф қилади. Мазкур омонатларга маблағлар жорий йилнинг 10 август - 8 сентябрь кунлари 3 ой муддатга қабул қилинади ва йиллик 24 фоиз миқдорида устама тўланади.

Шу билан бирга, доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам маблағлар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз:

Омонат тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал (сўмда)	Асосий шартлари
Пластик карточка	муддатсиз	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида	1000	Талаб қилиб олингунча сақланади, фоизлар кунлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қолдиғи 10000 сўмдан кам қолса, шу кун учун фоиз ҳисобланмайди.
Имконият	6 ой	18,0	10000	Омонат муддати тугагандан сўнг маблағни уй-рўзғор ашёси, енгил автомобиль, турар жойлар сотиб олиш мақсадида ишлатилади.
Саломатлик	11 ой	19,8	10000	Фоизлар фақат саёҳатга чиқиш ва саломатликни тиклаш учун сарфланади.
Нафақа-мададкор	1 йил	18,0	10000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади.
Ishonch	3 ойдан-3 йилгача	18,0-20,4	10000дан 5000000гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Luks	3 ойдан-3 йилгача	18,6-21,0	5000000дан 10000000гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Kafolat	3 ойдан-3 йилгача	19,2-21,6	10000000дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро шартномага биноан тўлаб берилади.
Istiqlol	6 ой	22	500000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.
Farovonlik	3 ой	21	200000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.
Fayzli	2 ой	20	100000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.
Меҳригиё	18 ёшгача	15,6	10000	Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади ва 18 ёшга тўлганда берилади.
Kelajak	16 ёшгача	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида	10000	Омонат 16 ёшгача сақланиб, фоизлар молия йили якунида тўланади.
Коммунал омонати	3 ой ва ундан юқори	21,6	100000	Аҳолига уй-жой, коммунал тўловлар хизмати ва электр тўловларини омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади.

Омонатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизларни ўз мижозларимиз қаторида кўришдан мамнунмиз!

Мурожаат учун телефонлар: 136-26-57, 136-70-60, 132-16-55, 133-71-72.

Шунингдек, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида жойлашган минтақавий филиал ва туман филиалларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин !

3078K/693

● **Қатра**

Бозор тўла одам. Устига устак офтоб шундай қиздирардики, худди ҳаммани ҳолдан тойдираман деяётгандай эди. Ул-бул харид қилиш баҳонасида йўл-йўлакай бозорга кирган Меҳриниса иссиқдан оғзи қуриб, сув ичгиси келди. Илгари ҳамма ерда газ сув будкалари бўларди. Ҳозир эса уларни учратмайсиз.

МЕҲР

Меҳриниса музқаймоқ сотаётган йигитчага яқинлашди.

— Газ сув борми? — сўради Меҳриниса.

— Бор, катта идишда, нархи 350 сўм, — деди сотувчи.

Вой бў, бунча қиммат. Чўнтагининг аҳволи чатоқлиги маълум. У теварак-атрофга аланглаб сув қидира бошлади. 10-15 қадам нарида ёшгина қизча газ сув сотарди. Ўша томонга юриб, навбатга турди. Энди навбати келиб 50 сўм узатган ҳам эдики, қаердандир ёши етмишлардан ошган онахон пайдо бўлди.

— Қизим, — деди у сотувчига юзланиб, — бор пулим шу, илтимос озроқ сув қуйиб берсанг, иссиқдан жуда чанқадим.

У чўнтагидан 25 сўмлик танга пул олиб узатди. Сотувчи эса бепарвогина жавоб қайтарди:

— Бир стакан сув 50 сўм, бу пулингиз етмайди, навбатни бўшатинг.

Воқеанинг гувоҳи бўлиб турган Меҳриниса қарияга қаради. Унинг ўрнида яқинда вафот этган ойижониси тургандек туюлиб кетди. Меҳриниса сумкасидан 50 сўмлик чиқарди-да, сотувчига узатди.

— Сув қуйиб беринг.

Сотувчи пулни олгач, кўнгли жойига тушиб, сув қуйди. Меҳриниса стакандаги сувни кампирга тутди.

— Олинг холажон.

Қария сувни минг хижолат билан оларкан, уни дуо қилди:

— Раҳмат, болам, сувдай сероб бўлинг, ёшингизга ёш қўшилсин, илоё. Ота-онангиз роҳатингизни кўрсин. Худо пулингизни кўп қилсину Ҳизр баракасини берсин.

Онахон дуо қилар экан, негадир Меҳринисанинг кўзларига ёш келди. Шу лаҳзаларда онахоннинг ҳам, Меҳринисанинг ҳам кўнгилларини тоғдек кўтарган туйғунинг исми МЕҲР эди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Биласизми?

Бақа ҳаёти давомида 3 тоннадан ортиқ чивин ер экан.

* * *

Тулкилар бир кеча-кундузда 20 соатлаб ухлайди. Қолган вақтини ов қилиш билан ўтказаркан.

* * *

Акула 600 минг литр сувдаги 1 грамм қонни 500 метр узоқликдан сеза олади.

* * *

Акулаларнинг қўшимча ошқозони мавжуд бўлиб, у ерда озиқ 10-20 кунлаб бузилмасдан туради.

Мушуклар рангни ажрата олмас, улар ҳамма нарсани кулранг тусда кўрар экан.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокимининг 2006 йил 19 август 524-сонли қарорига асосан «Исамадзода Умид» фермер хўжалигининг тугатилиши муносабати билан қайта танлов эълон қилинади. Аризалар 1 ой муддатда туман ҳокимлиги қошидаги ер бериш комиссияси томонидан қабул қилинади.
Тел: 8 (274) 22-795, 8 (274) 22-512

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 923.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.00